

Банда бадназарлик сабабли зинокор саналади



16:24 / 21.12.2023 2494

نَالِحٌ رَلَاوُ سُطْبَلَا مُهَانَزَوَنَابَزَتِنَادِيَلَاوُ رَطْنَلَا امهَانَزو نايَنْزَتِنَانِيَعْلَافِ
يَنْمَتِي وَيَوَّي بَلَقْلَاوُ لَبْقْلَا مُهَانَزو يَنْزِي مَفْلَاوُ يَشْمَلَا مُهَانَزو نايَنْزَتِ
هُبِّدَكِّي وَأَقْصِي جَرْفَلَاوُ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Дарҳақиқат, кўзлар зино қилади, уларнинг зиноси қарашдир. Кўллар зино қилади, уларнинг зиноси ушлашдир. Оёқлар зино қилади, уларнинг зиноси (ҳаромга) юришдир. Оғиз зино қилади, унинг зиноси бўса олишдир. Қалб хоҳлайди ва орзу қилади. Фарж эса ё уни тасдиқлайди, ёки ёлғонга чиқаради» («Муснади Аҳмад»).

Ҳадиси шарифдан маълум бўлдики, бадназарлик ҳам зинонинг бир тури экан. Шунинг учун кўзини тиймаган одам зинокорлардан саналди. Демак, аҳволимизни ўнглаш – бадназарликдан ўзимизни сақлаш учун батамом ҳаракат қилайлик.

Бадназарлик ношукрликдир

Кўзни тиймаслик сабаб инсон ношукрга айланар экан. Қандай қилиб дейсизми? Турли чехраларни кўраверганидан кейин эркакка ўз аёли хунук

кўрина бошлайди. Аёлидаги майда камчиликлар филдай кўринади, гапи, ҳиди, қилиғи кўнглига ўтирмай қолади, ичида турли норозиликлар пайдо бўлади. Ҳатто тақдирдан нолий бошлайди. **«Пешонамга чиройли аёл битмади!» дейди, «Менга анавинақаси мос эди. Бунинг эса на кўриниши ёқимли, на қомати келишган...»** дегандай шикоятлар қилади. Агар хотини чиройли бўлса, хулқидан ё тилидан нолийди. Бадназарлик туфайли ҳаромга ишқи тушиб, ҳалолдан кўнгли совиб боради. Минг чиройли бўлса ҳам, ўзининг аёли ёқмайди ва шу тарзда неъматга ношукрлик қилади.

Бадназар одам ақлсиздир

Уммат ҳақими, Мавлоно Ашраф Али Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар: «Ҳар бир гуноҳ ақлсизлик ва аҳмоқлик натижасидир. Ким бу гуноҳни қилса, шу қилмиши унинг ақлида ноқислик борлигига далилдир. Чунки, у ҳаётимиз ва ўлимимиз, соғлигимиз ва беморлигимиз, ҳузур-ҳаловатимиз ва безовталигимиз, гўзал ёки ёмон хотимамиз измида бўлган Мо-лик Зотни норози қиляпти. Агар унинг ақли соғлом бўлганида, ҳаргиз гуноҳ қилмас эди... Айниқса, бадназарлик ўта аҳмоқона гуноҳдир. На учрашув бор, на алоқа бор. Бекорга қалбини қийнагани қолади. Қарагани билан у гўзалга етишиб қолмайди. Лекин қалб безовта бўлади ва уни ўйлаб қийналаверади. Бундан эса бирор фойда йўқ. Фойдаси йўқ нарсанинг кетидан вақтини сарфловчи, шаксиз, ақли паст ва аҳмоқдир».

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.